



# ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI XORAZM VILOYATI

## YANGIBOZOR TUMANI HOKIMINING

### QARORI

O'zbekiston Respublikasi, Xorazm viloyati, 221200, Yangibozor tumani, Navbahor ko'chasi 2-uy,  
Telefonlar: 0(362) 41-94-255, 0(362) 41-94-141, Faks: 0(362) 41-94-255

2021 йил "12" феврал

№ 207

Yangibozor tumani

**Янгибозор туманидаги "Чўболончи" маҳалласида яшовчи фуқаро Садиков Ўткирбекга Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 6-,53-моддалари, "Фермер хўжалиги тўғрисида"ги қонуни, Чўболончи қишлоғининг "Чўболончи" маҳалласида яшовчи фуқаро Садиков Ўткирнинг фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ижарага ер майдони ажратиб беришни сўраб ёзган аризасига, туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссияси хулосасига ҳамда "Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида"ги қонунининг 6-моддасига асосан,

#### Қарор қиламан:

1. Янгибозор туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи туман комиссиясининг хулосаси ижро учун қабул қилинсин.
2. Янгибозор туманидаги Чўболончи қишлоғининг "Чўболончи" маҳалласида яшовчи фуқаро Садиков Ўткиргга Чўболончи қишлоғининг туман ҳокими захира ер хисобидаги 318-контурларида жойлашган умумий ер майдони 9,1 гектар, шундан суғориладиган экин ери 9,1 гектардан иборат ер участкаси боғдорчилик йўналишида фермер хўжалиги ташкил қилиш учун ажратиб берилсин ҳамда ижара муддати 40 йил қилиб белгилансин.
3. Янгибозор туманидаги Чўболончи қишлоғининг "Чўболончи" маҳалласида яшовчи фуқаро Садиков Ўткиргга ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ҳокими ва фермер хўжалиги раҳбари Ў. Садиков ўртасида тузиладиган ер участкасини узок муддатли ижарага олиш шартномасини тайёрлаб, вилоят ҳокимининг қарори қабул қилингандан кейин расмийлаштириб, жойида ер



майdonларини далолатнома асосида топшириш туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Р. Рахимов) зиммасига юклатилсин.

4. Янгибозор туманидаги Чўболончи кишлоғининг "Чўболончи" маҳалласида яшовчи фуқаро Садиқов Ўткирга ажратилаётган 9,1 гектар экин ер майдошида Туркия технологиялари асосида янгидан интенсив боғзор ташкил қилиш вазифаси топширилсин.

5. Туман ҳокимининг биринчи ўринбосари (Ж.Халметов)га фуқаро Садиқов Ўткир ва Туркия компаниялари билан кўчатлар етказиб бериш бўйича шартномалар тузишида амалий ёрдам бериш вазифаси топширилсин.

6. Фуқаро Садиқов Ўткирга:

- ердан ер қонунчилиги асосида белгиланган мажбуриятларга амал қилган ҳолда самарали фойдаланиш;

- туман статистика ва солиқ идораларига белгиланган муддатларда ҳисоботларни тақдим этиб бориш;

- ер участкасидан кишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги (уч йил учун ўртача йиллик ҳосил ҳисобида) ернинг кадастр баҳосидан кам бўлмаслигини таъминлаш;

- ерлардан ер қонунчилигида қайд этилган мажбуриятларни бажарган ҳолда самарали фойдаланиш ва доимий равишда тупроқ унумдорлигини ошириб бориш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўриш вазифаси юклансин.

7. Ушбу қарорга асосан туман кишлоқ хўжалиги бўлими, туман статистика бўлими, туман давлат солиқ инспекцияси ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлимлари ўз ҳисоботларига тегишли ўзгартиришлар киритсин.

8. Ушбу қарор халқ депутатлари туман Кенгаши сессиясига тасдиқлаш учун киритилсин.

9. Ушбу қарорнинг тасдиғи ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи вилоят комиссиясидан сўралсин.

10. Ушбу қарор ижросини назорат қилишни ўз зиммамда қолдираман.

Туман ҳокими



У.Курбанов